



Ўзбекистон «Adolat»
sotsial-demokratik
partiyasi

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 30-IYUL, JUMA

№ 31(1348)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat



МИНГДАН ОРТТИК МАНСАБДОР жавобгарликка тортилди

**АММО
КОРРУПЦИЯ...**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан «Тараққиёт стратегияси» марказида «Коррупция – тараққиёт кушандаси» мавзусида онлайн конференция ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият

бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Коррупцияга қарши курашни фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳокамасига бағишланди.

24 **ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ**
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг видеоконференция алоқа шаклида навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Мажлис Марказий сайлов комиссияси раиси 3. Низамходжаев олиб борди.

Мажлис кун тартибдаги асосий масала – сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 34-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо varaқалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинланган ҳақди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: МУҲИМ БОСҚИЧЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови давлат раҳбарининг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги, биринчи яқшанбасида ўтказилади. Жорий йилда ўтказилган сайлов таквим бўйича 24 октябрга тўғри келмоқда.

Шунга қўра, 22 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги старт берилди. Сайловнинг бошланиши, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, нафақат Марказий сайлов комиссияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларга ҳам муайян вазибалар юклайди.

БИЗ УЧТАМИЗ: ТАБИБ, БЕМОР ВА ДАРД



БЕКАТДАН БАДАРГА БЎЛГАН ЙЎЛОВЧИЛАР



Уларнинг дардини
ким эшитади?



Баходиржон ШЕРМУХАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори

“Адолат”га жавоб берадилар

Бош прокуратура назоратга олди

**“ИНСОН ҲАЁТИ ҚИЛ УСТИДА...
ЙЎЛ УСТИДА БЕМАЪНИ МОЖАРО”**

Газетамизнинг 2021 йил 27 июндаги 26-сонида “Ички ишлар вазирлиги баёнот берсин, Бош прокуратура назоратга олсин” рукнида “Инсон ҳаёти қил устида... Йўл устида бемаъни можаро!” сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Кунни кеча Бош прокуратурадан мақолада тилга олинган муаммо назоратга олингани ҳақида жавоб хати олдик. Албатта, Бош прокуратуранинг босма ОАВда ёритилган муаммога ўз вақтида эътибор қаратгани таҳсинга лойиқ. Лекин мақолада қаламга олинган муаммо айнан Ички ишлар вазирлигига тегишли бўлишига қарамасдан, вазирлик мутасаддиларининг эътиборсизлиги кишининг кўнглини хижил қилади...

Jarayon ADOLAT

Ички ишлар вазирлиги расмий баёнот берсин, Бош прокуратура назоратга олсин!

ИНСОН ҲАЁТИ ҚИЛ УСТИДА... ЙЎЛ УСТИДА БЕМАЪНИ МОЖАРО!

Важобий тарафидан 14-17 июль кунлари Суриядаги қўриққондиқлар, Туркиядаги мижозлар, Ўзбекистондаги мижозлар ва бошқа жойлардаги мижозларнинг ҳаёти қил устида...
Ички ишлар вазирлиги расмий баёнот берсин, Бош прокуратура назоратга олсин!
Ички ишлар вазирлиги расмий баёнот берсин, Бош прокуратура назоратга олсин!
Ички ишлар вазирлиги расмий баёнот берсин, Бош прокуратура назоратга олсин!

“Б КЕТГАН” ПАРРАНДА ИЛИЯЛИ БОЛАЛАР...

Жиноватга жазо муқаррар
ТАМАГИР ИНСПЕКТОР



Янгиланаётган Ўзбекистон: ислохотлар самаралари

Бугун дунё ҳамжамияти тезкор тараққиёт сари юз тугган. Дунё янгиланиб бормоқда, ҳаётда турфа ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Жамиятда одамларнинг қарашлари, ҳаракатлари ва максадлари ҳам эндиликда ўзгарган. Айтиш жоизки, айнан улар бугун Янги Ўзбекистон келажаги ва тақдирини ҳал этишга кодир бўлган ижтимоий кучдир. Бу кучни мамлакатда йиллар давомида амалга оширилаётган ислохотлар вужудга келтирди.

Аччиқ, аммо очик гаплар



Сиз қандай изоҳлайсиз?

Қонун ва виждон: ҚАЙ БИРИ УСТУН?

АҚШдаги Иллинойс штатининг Кахаки шаҳарчасида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати офицери Роджер Гемуолз навбатчилик килаётганида автомобили тезлигини оширган 22 ёшли Кашон Болдуинни тўхтагани ва ундан ҳайдовчилик гувоҳномасини сўрайди. Болдуин ҳайдовчилик гувоҳномасини узатар экан офицерга афсусланиб қарайди. Офицер гувоҳноманинг муддати ўтиб кетгани ва тўланмаган жарималари борлигини аниқлайди.



Роджер Болдуинни жарима тўлатишга ҳамда гувоҳномасини олиб қўйишга шайлана туриб, ундан нега тезликни оширгани, нима сабабдан ҳайдовчилик гувоҳномасининг муддатини ўтказиб юборганини сўрайди.

22 ёшли ҳайдовчи Болдуин ҳаётида учраган муаммолар, омадсизлиги ва ишсизлиги туфайли оиласини боқиб қийналганидан жарималарини тўлашни ҳамда гувоҳномасини янгиланини удралай олмаётганини, бир компаниядан иш топганини, ўша ишга кириш учун у келишилган вақтда суҳбатга бориши кераклигини, агар етиб бора олмаса, топган ишдан ҳам маҳрум бўлишини ўйлаб, тезликни оширганини айтади.

Роджер эса ўйланиб ўтирмасдан Болдуинни суҳбатдан ўтиши учун қузатиб боради. Болдуин суҳбатга белгиланган вақтда етиб бориб, ишга қабул қилинади.

Кейинчалик офицер Роджердан нима учун бундай қилгани сўралганда у шундай жавоб берган: «Тўғри, қонунан мен уни жаримага тортиб, гувоҳномадан маҳрум этишим мумкин эди, аммо қонундан кўра виждоним устун келди.»

PS. Сиз нима деб ўйлайсиз, азиз газетхон, шу воқеа бизда юз берганида ЙПХ ходимлари қандай йўл тутушишган бўларди?

БЕКАТДАН БАДАРҒА БЎЛГАН ЙЎЛОВЧИЛАР

Уларнинг дардини ким эшитади?

Хабарингиз бор, ўлкамизга 24-26 июль кунлари иссиқ хаво оқимининг кириб келиши сабабли ҳарорат кескин кўтарилиб кетди. Тирик жон борки, ўзини соя-салкинга олди. Шундай аномал ҳолатда кўз олдингизга пойтахтимиздаги бекатлар атрофида жамоат транспортини кутаётган йўловчиларни келтиринг. Улар номи бору ўзи йўқ бекатлар қаршида, устига-устак тик оёқда, қуёш нурлари остида турганини тасаввур қилиш кийин эмас. Бу шуни аниқладики, бизга 4-5 йил аввал ваъда қилинган юмшоқ ўриндиқли, хаво совутгич ўрнатилган бекатлар аллақачон қоғозда қолиб кетди...

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида автобус бекатлари сони 2000 тадан зиёд бўлиб, тадбиркорлик субъектлари қарамоғига ўтказилганларини аллақачон дўкон, қаҳвахона, турли хизматлар кўрсатиш шохобчалари банд этди ва шу тарихга йўловчилар «кўча»да қолишди.

...Чилонзор туманидаги Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежи дарвозасидан атиги 20-30 қадам нарида йўловчилар дарахт соясида, йўл бўйида автобус кутаётганини қўриб, таъбингиз хира тортади. Шу атрофда бекат йўқми? Бор, албатта. Аммо уни тасарруфига олган тадбиркор «Инсоф сари барака» нақлини унутиб қўйган, шекилли. Бекатнинг бир ёнида «Маркет», яъни озиқ-овқат дўконини, иккинчи ёнида қаҳва тайёрлаб берадиган шохобчани жойлаштирибди. Пойтахтга биринчи марта келган киши бу ерда автобус бекати борлигини бирдан англаб олиши мушкул. «Маркет» ва қаҳвахона орасига йўловчилар учун омонат бир ўриндиқ қўйилган, холос. Бу ўриндиқнинг атрофида ҳам эмин-эркин юриш имконсиз. Чунки уч томонида ичига яхна ичимликлар, музқаймоқ, яна аллақандай маҳсулотлар солинган музлаткичлар қаторлашиб турибди. Бундан ташқари, бекат омборхона вазифасини

ҳам ўташини маҳсулотларнинг устма-уст терилган қутиларидан билиб олсангиз бўлади. Номи бекат бўлса-да, бу ерда йўловчига шарт-шароит у ёқда турсин, ҳатто тик туришга ҳам жой йўқ. Дарвоқе, тўхтаб ўтадиган автобуслар рақами ёзилган табло ҳам кўздан па-

«...ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ ТОШКЕНТ ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОЛЛЕЖИ ДАРВОЗАСИДАН АТИГИ 20-30 ҚАДАМ НАРИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ДАРАХТ СОЯСИДА, ЙЎЛ БЎЙИДА АВТОБУС КУТАЁТГАНИНИ ҚЎРИБ, ТАЪБИНГИЗ ХИРА ТОРТАДИ. ШУ АТРОФДА БЕКАТ ЙЎҚМИ? БОР, АЛБАТТА. АММО УНИ ТАСАРРУФИГА ОЛГАН ТАДБИРКОР «ИНСОФ САРИ БАРАКА» НАҚЛИНИ УНУТИБ ҚЎЙГАН, ШЕКИЛЛИ. БЕКАТНИНГ БИР ЁНИДА «МАРКЕТ», ЯЪНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНИНИ, ИККИНЧИ ЁНИДА ҚАҲВА ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИГАН ШОХОБЧАНИ ЖОЙЛАШТИРИБДИ.

нада, унча-мунча одам уни қидириб топа олмайди. Харидорлар бекат орқали дўконга кириб чиқади ёки бекатдаги музлаткичлардан ичимлик олиб, кейин ичкарига кириб, пулини тўлайди. Автобус кутиб ўтирган битта-яримта йўловчи жой торлигидан ташқарига чиқишга маж-

бур. Бекатни тўлиқ эгаллаган тадбиркорни эса жазирамада қолган одамлар (улар орасида кексалар, болали аёллар ҳам бор) қизиқтирмайди. Қани, бирон нима деб кўринг-чи, «Бу бекатни ўз маблағимга қурганман», деб оғзингизга уришдан ҳам қайтмайди.

Аслини олганда, бир пайтлар Тошкент шаҳрида автобуслар йўналиши бўйлаб белгиланган бекатларни тадбиркорлик субъектлари тасарруфига ўтказиш орқали мутасадди ташкилотлар йўловчиларга қулайлик яратилишини назарда тутгани эсимизда. Уша кезлар тадбиркорларга ҳам одам гавжум жой керак эди. Айнан шу манфаатдорлик юзасидан улар эски бекатларни қайтадан қўриб, замонавий кўринишга келтириш билан чекланмасдан, даромад олишни кўзлаб, дўконлар очишди. Бекат деган номи учун

Ёдингиздами, дастлаб бекатга эга бўлаётган тадбиркорлар зиммасига йўловчилар манфаатидан келиб чиқиб қатор мажбуриятлар юклатилганди. Масалан, бекатнинг тозаллигини таъминлаш, автобус тўхташига, йўловчилар ҳаракатига халал бермаслик... Тадбиркорнинг дўкони бекатнинг қисқариши ҳисобидан кенгайиши мумкин эмасди.

Хўш, кейин нима бўлди? Бекатларнинг ҳақиқий эгалари бўлган йўловчилар четга суриб қўйилди. Шу ўринда яна бир мисол. **Амир Темур хийбони, «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан унча узоқлашмай «Шаҳрисабз» кўчасидаги бекатда автобус кутишингизга тўғри келиб қолса, бу ердаги ҳолатни қўриб, ёқа ушлайсиз. Тадбиркорнинг қўш-тирноқ ичидаги уддабуронлигини қаранг, ойнаванд бекатнинг ярмига дўконига сиғмаган яхна ичимликлар ва бошқа маҳсулотларни жойлаштириб, йўловчиларга мўлжалланган ўриндиқларни ташқарига, қуёш нури остига чиқариб қўйибди.** Узи хон, қўланкаси майдон дегани шу-да: дўкон эгаси салқинда мазза қилиб ўтирибди. Йўловчилар иссиқда жижғанақ бўлаётгани эса ҳеч кимни, ҳаттоки, тегишли ташкилотдаги масъул ходимларни ҳам ташвишга солмайди.

Бундай дўкон-бекатларни пойтахтимизнинг исталган ҳудудда учратиш мумкин. Мана, ижтимоий аҳамиятта молик бекатларни тадбиркорлар тасарруфига бериш ва унга савдо-сотиқни аралаштириш қандай оқибатга олиб келди: йўловчилар ўзлари учун қадрли маскан — бекатдан бадарга бўлишди.

Шундан кейингина мутасаддилар бекатларнинг тадбиркорларга берилиши амалиёти ўзини оқламагани ва йўловчиларга қулайликлар яра-

тишга хизмат қилмаганини тан олишди. Келгусида Тошкентдаги ер усти жамоат транспорт тўхташ жойларининг ягона ташқи кўриниш концепцияси биноан автобус бекатларида электрон табло, WI-FI, кузатув камераси, замонавий дизайндаги ўриндиқлар, мобил қурилмалар учун қувватлаш манбалари, пандуслар ўрнатилиши кўзда тутилган. Дарвоқе, бекатларда дўконлар бўлмаслиги ҳам маълум қилинган.

Нимаям дердик, бу галги ўтказиладиган экспремент жабрини йўловчилар тортмаслигига умид қиламиз. Акс ҳолда...

Суюндик МАМИРОВ, «Adolat» мухбири


ИБРАТ

«Сўз билан ҳалол муносабатда бўлиш керак», деган таъбирнинг маъносини тобора аниқ ҳис қилмоқдаман, яъни айтадиган гапини иложи борича аниқ қилиб айт. Ёзаётгандаги ўхшаб муғомбирлик қилмасдан, ҳаспўшламасдан, бўяб-бежамасдан гапир.

... Агар мен подшо бўлганимда, ўзи ишлатган сўзнинг маъносини тушунтириб беролмайдиган ёзувчини ёзиш ҳуқуқидан маҳрум қилар ва унга юз дарра уриш ҳақида буйруқ чиқарган бўлардим.

Бадиий асар — муҳаббат меваси. Аммо фаолиятсиз муҳаббат — жонсиз жисм. Ишга муҳаббат билан киришинг, шунда сиз яхши кўрган нарсани биз ҳам севиб қоламиз.

Лев ТОЛСТОЙ



Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Тальят МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Котибият — 71 288-42-12 (132);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;
Кабулхона — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15
Реклама бўлими —

Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов
Навбатчи — Абдуғани Солиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgzt-95@mail.ru



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 21 603
Босишга тоширилган вақти — 21.00
Босишга тоширилган вақти — 15.00
Баҳоли келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши